

**«ТАСДИҚЛАНГАН»
“UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ
Кузатув кенгаши мажлисининг
2023 йил 11 октябрдаги
4-сон баённомаси билан**

**“UzAssets investitsiya kompaniyasi”
акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг
Аудит қўмитаси тўғрисида
НИЗОМ**

Тошкент - 2023 йил

Мундарижа

I. Умумий қоидалар	2
II. Аудит қўмитасининг таркиби	2
III. Аудит қўмитасининг асосий вазифалари	3
IV. Аудит қўмитасининг мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби.....	5
V. Аудит қўмитаси аъзоларининг хуқуқ ва мажбуриятлари	6
VI. Аудит қўмитаси аъзоларининг жавобгарлиги.....	8
VII. Якунловчи қоидалар	8

**“UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамияти
Кузатув кенгашининг Аудит қўмитаси тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий коидалар

1. Мазкур Низом (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Коррупцияга қарши қурашиш тўғрисида”ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида”ги ПФ-101-сон Фармонига, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартағи 166-сон қарори билан тасдиқланган “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси”га, “UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда – Жамият) Уставига, Кузатув кенгashi тўғрисидаги Низомга ва бошқа ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Кузатув кенгashi Аудит қўмитасининг (кейинги ўринларда – Кўмита) ҳукуқий мақомини, таркибини, ваколатларини ва унинг ишлаш тартибини белгилайди.

3. Кўмита энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва Кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун Кузатув кенгашининг қарори асосида ташкил этилади. Кўмита Кузатув кенгашининг доимий фаолият юритувчи ишчи органи ҳисобланади.

4. Кўмита ўз фаолиятини қонунчилик, Жамият Устави, Кузатув кенгashi тўғрисидаги низом ва мазкур Низомга асосан амалга оширади.

II. Қўмитанинг таркиби

5. Кўмита фақат Кузатув кенгашининг аъзоларидан З (уч) кишидан иборат таркибда ташкил этилади. Кўмита таркибига камида бир нафар Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси киритилиши шарт.

6. Кўмита аъзолари Кузатув кенгashi раисининг тавсияси асосида Кузатув кенгashi аъзолари ичидан уларнинг ваколат муддати даврига кўпчилик овоз билан сайланади. Кўмита раиси Кўмита аъзолари орасидан Кузатув кенгashi томонидан тасдиқланади. Кўмита раиси Кузатув кенгашининг раиси бўлмаслиги лозим.

7. Кўмитага раҳбарлик қилиш ва фаолиятини ташкил этиш Кўмита раиси томонидан амалга оширилади. Кўмита раисининг вақтинчалик йўқлигига раис вазифасини бажариб туриш Кўмита аъзоларидан бирига юклатилиши мумкин.

8. Қўмитанинг таркибига сайланган Кузатув кенгаши аъзолари чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

9. Қўмитага молиявий таҳлил ва бухгалтерия ҳисоби соҳасида билимларга эга бўлган Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси раҳбарлик қилади.

10. Қўмита аъзолари олий маълумотга, аудит хизмати мақсадлари ва вазифаларига мос келувчи малака ва тажрибага эга бўлиши лозим. Қўмитанинг камидаги бир нафар аъзоси аудит, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот бўйича камидаги икки йиллик тажрибага эга бўлиши керак.

11. Қўмита аъзоси ёки унинг яқин қариндошлари бир вақтнинг ўзида Ички аудит хизматининг ходими ёки Жамият томонидан жалб қилинган ташқи аудиторлик ташкилотига аффилланган бўлмаслиги керак.

12. Қўмита аъзолари ўртасидаги функциялар тақсимланиши Қўмитанинг раиси томонидан амалга оширилади.

13. Қўмита Ички аудит хизмати фаолиятини назорат қилади, мувофиқлаштиради ва ҳисботларини эшитади.

14. Кузатув кенгаши исталган вактда тушунтиришларсиз Қўмита аъзолари фаолиятини тугатиши ёки аъзоларини қайта сайлаши мумкин.

III. Қўмитанинг асосий вазифалари

15. Қўмитанинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Жамиятда молиявий ҳисботни тузишнинг тўғрилиги, шаффоғлиги ҳамда тўлиқлиги устидан назорат ўрнатиш;

мустақил аудиторлик ташкилотининг танланиши, аудиторлик текшируви ўтказилиши жараёнларини кузатиш;

ички ва ташқи аудиторлик текширувлари натижаларини олиш ҳамда ўрганиш;

назоратга оид, молиявий ва бошқа ҳисботларнинг тақдим этилишини, уларнинг тўлиқлигини ва ишонччилигини назорат қилиш;

ўз ваколати доирасидаги масалалар юзасидан Кузатув кенгаши мажлисларига маълумотлар тайёрлаш ва унга ҳисботлар тақдим этиш;

Ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг раҳбари ва ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш масаласини кўриб чиқиш, бу ҳақда Кузатув кенгашига таклифлар киритиш;

Ички аудит хизмати ходимларининг иш ҳақи миқдорини белгилаш ёки уларни қўшимча моддий рағбатлантириш масаласини кўриб чиқиш;

Ички аудит хизматининг йиллик бюджетини тасдиқлаш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Ички аудит хизматининг чораклик ҳисботларини ўрганиб чиқиши ва Кузатув кенгашига тақдим этиш;

даврий равишда (йилда камида бир марта) Ички аудит хизматининг ҳар бир ходимини унинг ахборотни танлаш, текширув ўтказиши ва хулосаларни тайёрлаш салоҳиятидан келиб чиқиб касбий маҳорат даражасини баҳолаб бориш;

Жамиятнинг ички назорат тизими ва ички аудит фаолияти самарадорлиги ва монандлигини таъминлаш учун уларни баҳолаш, ички аудит текширувлари режаси ва уларнинг даврийлигини кўриб чиқиши, Ички аудит хизмати раҳбарининг ўз вазифа ва мажбуриятларини қай даражада амалга ошираётганлигини баҳолашда иштирок этиши ва ўз фикрларини билдириш;

ташқи аудиторлик ташкилотини жалб қилиш учун ўтказиладиган танлов (тендер) шартлари ва қўйиладиган талабларни белгилаш;

ташқи аудиторлик ташкилотининг таклифларини баҳолашда Кузатув кенгашига амалий ёрдам бериш, ташқи аудиторни танлаш ва тайинлашда Кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш;

ташқи аудиторлик ташкилотининг хизматларига тўланадиган энг қўп ҳақ микдори ва у билан шартнома тузилиши (бекор қилиниши) тўғрисида Кузатув кенгашига таклифлар киритиш;

ташқи аудиторлик ташкилотининг ҳисботи ва хулосаларини кўриб чиқиши ва уларни Кузатув кенгашига тақдим этиши;

ташқи аудиторлик ташкилотининг фаолияти қониқарсиз деб баҳоланган тақдирда уни ўзгартириш юзасидан Кузатув кенгашига тавсиялар бериш;

Жамият фаолиятининг шаффофлиги ва маълумотларнинг ошкор қилиниши етарли даражада ва аниқ эканлигини кўриб чиқиши;

ўз фаолияти тўғрисида ҳисбот тайёрлаш;

Кузатув кенгаши томонидан юклатилган бошқа вазифаларни бажариш;

16. Кўмита молиявий ҳисботларнинг ҳаққонийлигини назорат қилиши ва таваккалчиликнинг самарадорлигини таъминлаш учун:

ички аудитнинг йиллик иш режасини тасдиқлаш учун Кузатув кенгашига киритади;

аудиторлик текширувларини ўтказиши ташаббуси билан чиқади;

Кузатув кенгаши олдида аудит масалалари бўйича ҳисбот беради.

Жамиятнинг асосий хавф-хатарларини (шу жумладан, молиявий, операцион ва ҳуқуқий) даврий таҳлил қилиш, шунингдек, Бошқарув фаолияти билан боғлиқ хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш тамойиллари ва сиёsatларини ишлаб чиқиши;

ички ва ташқи аудитор тавсияларини Бошқарув томонидан инобатга

олиниши ҳамда бажарилишини назоратга олиш.

IV. Қўмитанинг мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

17. Қўмитанинг навбатдаги мажлислари ҳар ойда ёки ҳар чорақда бир маротаба ўтказилади. Қўмитанинг навбатдан ташқари мажлислари Ягона акциядор, Кузатув кенгаши, Қўмита аъзоларининг талаби, шунингдек Бошқарув ёки Ички аудит хизматининг сўровига кўра чақирилади.

18. Қўмита аъзолари Қўмитанинг мажлисларида шахсан қатнашишлари шарт. Агар мажлисда қатнашиш имконияти мавжуд бўлмаса, Қўмита аъзоси сабабларини кўрсатган ҳолда Қўмитани бу ҳақда хабардор қиласди. Бунда Қўмита мажлиси кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга кўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда масофадан туриб иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказилиши мумкин.

19. Қўмита аъзолари муайян масаланинг кечикирилмай ҳал этилиши талаб қилинадиган ҳолатлар юзага келган тақдирда, Қўмитанинг шошилинч мажлиси чақирилишини талаб қилишлари мумкин.

20. Қўмита аъзолари Бошқарув аъзоларини ва бошқа шахсларни Қўмита мажлисларига қатнашиш учун таклиф қилиши, шунингдек зарур бўлганда улардан ахборот талаб қилиши мумкин.

21. Қўмита ўз мажлисларини Кузатув кенгаши мажлисларидан олдин ўтказади.

22. Қўмита раиси Қўмита мажлисидаги барча иштирокчиларга уни лозим даражада ўтказишга тайёргарлик кўриш ва унда кўтарилилган масалаларни муҳокама қилишда фаол иштирок этиш имкониятларини яратади. Қўмита аъзолари Қўмита мажлисларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳамда уларда иштирок этиш учун етарли даражада вақт ажратишлари лозим.

23. Қўмита мажлисида унинг аъзоларининг камида 2/3 қисми иштирок этса, мажлис ваколатли ҳисобланади, бунда Қўмита раиси иштирок этиши шарт. Ички аудит хизмати ходимлари Қўмитанинг мажлисларида овоз бериш ҳукуқисиз иштирок этишлари мумкин.

24. Қўмитанинг мажлисида қарор, агар Жамият Уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда иштирок этган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

25. Қўмитанинг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Қўмитанинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Овозлар teng келган тақдирда, Қўмита раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Қўмитанинг қарорига розилик билдирилмаган Қўмита аъзоси ўзининг мажбурий тартибда мажлис баённомасига илова қилинадиган алоҳида фикрини қайд этиб қўйиш ва уни Кузатув кенгаши эътиборига ҳавола қилиш ҳукуқига эга.

26. Қўмитанинг қарори Қўмита мажлисининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Қўмита мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмай тузилади. Ушбу баённома мажлисда иштирок этган Қўмита аъзолари томонидан имзоланади.

27. Қўмита мажлисларига котиблик қилиш ва Қўмита мажлисининг баённомаларини юритиш вазифаси Ички аудит хизмати раҳбарига юклатилади.

28. Қўмита раиси:

Қўмитанинг ишини ташкил этади;

Қўмита мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;

Қўмита мажлисларида баённома юритилишини ташкил этади;

Жамият ички норматив ҳужжатлари ва мазкур Низомда назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

29. Қўмита мажлиси котиби:

Қўмита мажлислари баённомаларини юритади ва расмийлаштиради;

Қўмита томонидан кўриб чиқилиши учун кун тартибидаги масалалар бўйича материалларни тайёрлайди ва тақдим қилади;

Қўмитанинг қарорларини, хулосаларини ва баённомаларини олувчиларгача етказади.

30. Қўмита ваколати доирасида қабул қилинган барча қарорлар қабул қилинган кунидан бошлаб, Бошқарув аъзолари ва бошқа мансабдор шахслари учун бажарилиши мажбурийдир.

31. Ушбу қарорларда кўрсатиб ўтилган мансабдор шахслар қарорнинг ўз вақтида ҳамда қарор ижросига мос равишда бажарилишига шахсан жавобгардирлар.

32. Қўмита қарорлари ижросини назорат қилиш Қўмита раиси томонидан амалга оширилади.

V. Қўмита аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

33. Қўмита аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Бошқарув аъзоларидан ва Жамиятнинг бошқа мансабдор шахсларидан ўз фаолияти учун керакли барча ҳужжатларни ва материалларни тақдим этишни талаб қилиш;

ташқи аудиторлик ташкилоти ва Ички аудит хизматидан ҳужжатларни ва материалларни сўраб олиш ва улардан фойдаланиш;

агар Жамиятга жиддий моддий зарар етказилишига олиб келган ёки етказилишига олиб келиши мумкин бўлган қоидабузилишлар аниқланса, Кузатув кенгаши мажлиси чақирилишини талаб қилиш;

Жамиятнинг таркибий бўлинмалари ходимлари, шу жумладан раҳбарларидан кўриб чиқилаётган масалалар бўйича изоҳлар талаб қилиш;

айбдор ходимларни интизомий, мулкий ва бошқа турдаги жавобгарликка тортиш масалаларини Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим қилиш;

Жамиятнинг дастлабки бухгалтерия, молия ва бошқа ҳужжатларидан фойдаланиш;

Қўмита ваколатлари доирасидаги қарор ва топшириқларни бажариш, Қўмита ваколатига кирувчи масалаларни муҳокама қилиш мақсадида зарур ҳолларда Қўмита раиси қарори билан Кузатув кенгаши ва Бошқарув аъзоларини, Жамиятнинг мансабдор шахсларини Қўмита мажлисларига иштирок этиш учун таклиф этиш;

Қўмита фикрига кўра масалани чуқурроқ ўрганилиши зарур бўлса, Қўмита ваколатига кирувчи масала бўйича ўз ташаббусига кўра, Кузатув кенгашининг бошқа қўмиталарининг фикрини талаб қилиб олиш;

Қўмита мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш, кун тартибидаги масалалар, қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўзининг алоҳида фикрини Қўмита мажлиси баённомасига киритишни талаб қилиш;

Кузатув кенгаши томонидан тасдиқлаш учун мазкур Низомга ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар бериш;

тақдим этилган ҳужжатлар асосида тегишли хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш ва Кузатув кенгаши муҳокамасига киритиш;

Қўмита мажлиси кун тартибига киритиш учун масалалар таклиф қилиш.

34. Қўмита аъзоларининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

қонунчилик, Жамият Устави, мазкур Низом ва Жамият ички норматив ҳужжатлари асосида ўзига юклатилган вазифаларни бажариш ҳамда ўз фаолиятини сидқидилдан олиб бориш;

ўз вазифаларини бажаришда, ҳуқуqlари ва мажбуриятларини амалга оширишда Жамият ва Ягона акциядор манфаатларини кўзлаб иш тутиши

хисоб сиёсатини тасдиқлаш учун Кузатув кенгашига киритиш ҳамда унинг ижросини назорат қилиш;

Ички аудит хизмати ходимларини тайинлаш учун Кузатув кенгаши тасдиғига номзодларни киритиш ҳамда уларни лавозимдан озод этиш тўғрисида таклиф киритиш;

Жамиятнинг тижорат ва хизмат сирларини ошкор этмаслик ҳамда махфийлик талабларини бажариш;

Жамият томонидан қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда амалга оширилган харидларни назорат қилиш;

Ички аудит хизмати ишини, шу жумладан, унинг ҳисоботларини таҳлил қилиш ва самарадорликни баҳолаш орқали назорат қилиш;

молиявий ҳисобот, шу жумладан, консолидациялашган ҳисоботнинг бухгалтерия стандартлари ва ҳисоб сиёсатига мувофиқлигини таҳлил ва назорат қилиш;

ташқи аудит ўтказилишини таъминлаш.

35. Кўмита, ташқи аудиторлик ташкилоти сўровига кўра, аудиторлик текшируви жараёнида юзага келган масалалар юзасидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар беришга ҳамда аудиторлик текшируви учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни тақдим этишга мажбур.

36. Кўмита бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқланган бузилишлари тўғрисида ёки коррупцияга оид ҳукуқбузарликларни аниқ тасдиқловчи фактлар ҳақида Ички аудит хизмати томонидан ёзма шаклда хабардор қилиниши шарт.

37. Кўмита мунтазам равишда (одатда йиллик йигилишдан сўнг, лекин камиде олти ойда бир марта) Кузатув кенгашига ўз иши тўғрисида ҳисбот беради.

VI. Кўмита аъзоларининг жавобгарлиги

38. Кўмита аъзолари ўз хизмат вазифаларини бажаришда Жамиятга алоқадор ҳужжатлардан фойдаланаётганда уларнинг махфийлигини сақлаш учун жавобгардирлар.

39. Кўмита аъзолари ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида Жамиятга етказилган заарнинг тўлиқ қопланиши учун жавобгардирлар.

40. Жамиятга заар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Кўмита аъзоси жавобгар бўлмайди.

VII. Яқунловчи қоидалар

41. Мазкур Низом Кузатув кенгашининг қарори билан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

42. Қуйидаги ҳолатларда ушбу Низомга Кузатув кенгашининг қарорлари билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин:

Ягона акциядорнинг талабига кўра;

Кузатув кенгаши аъзоларининг ва Бошқарувнинг таклифларига асосан;

ушбу Низомда назарда тутилган муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари талаблар ўзгарган тақдирда;

Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда.

43. Ушбу Низомнинг айрим бандлари ўз аҳамиятини йўқотган ёки

ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, Низомнинг бошқа бандлари ўз кучида қолади.